Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 126 (5417)
5 ИЮНЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● 4 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску ўртасида музокаралар бўлди.

Музокаралар вақтида КПСС билан РКП, СССР билан РСР ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди. Шу муносабат билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1970 йил 7 июнь Шартномасининг, 1976 йил 24 ноябрь Совет—Руминия қўшма баёнотининг аҳамияти уқтириб ўтилди.

Актуал халқаро проблемаларни кўриб чиқиш вақтида дунёдаги вазият янада кескинлашганлиги хусусида ташвиш билдирилди, империализм, аввало АҚШ энг агрессив кучларининг ҳарбий устунликка эришишга, вужудга келган тахминий ҳарбий-стратегик мувозанатни бузишга қаратилган сиёсати кескинлик кучайиб бораётганлигининг энг асосий манбаи эканлиги уқтириб ўтилди.

Музокаралар амалий, ўртоқлик вазиятида, дўстлик ва ошкоралик муҳитида ўтди.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИ

СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИБ

«Ўзсантехгазмонтаж» трести коллективи ўтган йили меҳнатда эришган юксак кўрсаткичлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлган эдилар. Бу йил ҳам улар Бутуниттифоқ социалистик мусобақа юзасидан ғолиб чиқиш учун кун сайин суръат олишни ҳамчиламоқдалар. Ўтган йили трест коллективи плангача 1 миллион 996 минг сўмлик санитария-техника ва газмонтаж ишларини амалга оширган эдилар.

Уларнинг бу йилги пландан ташқари бажармоқчи бўлган ишлари салмоғи янада юқоридир.

Хўш, бундай муваффақиятларга қандай эришиляпти? Муваффақиятларнинг сири шундаки, трест бўлинмаларида социалистик мусобақа яхши ташкил этилган. Мавжуд ишчиларнинг 91,2 проценти меҳнат беллашувида иштирок этмоқда. Турли бўлинмалардаги 50 га яқин бригада «Коммунистик меҳнат коллективи», «Коммунистик меҳнат зарбдори» каби юксак номлар учун курашмоқда. 500 га яқин киши «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган нишонга эга. Агар трестда 104 та комплекслашган бригада бўлса, шундан 63 таси ягона наряд асосида ишламоқда. Бу бригадалар умумий ишлар ҳажмининг 60,5 процентини бажаришяпти. Шунингдек, трест да ҳар беш ишчидан биттаси рационализатор ҳисобланади. Биргина ўтган йилнинг ўзида иқтисодий самараси 300 минг сўмлик бўлган 95 та рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

— Шу кунларда трестимиз коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол иштирок этмоқда, — дейди трест бошқарувчиси С. Р. Раҳмонов. — Маъмурият, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бутун коллективни партиямизнинг кейинги Пленумлари қарорларини оғишмай амалга оширишга, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ошириш, ишлаб таннархини 0,5 процент қисқартириш учун сафарбар этиб, мавжуд куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

А. ВОТРИН.

ЧЎЛҚУВАРЛАР УЧУН

Тажриба-механика экскаватор ремонти заводи коллективи республикамизнинг муборак 60 йиллик юбилейи шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақада актив иштирок этиб, қувончли ютуқларни забт этиш йўлида жонкуярлик кўрсатмоқда. Корхонанинг 5-цехи коллективи эришаётган ютуқлар, айниқса салмоқли бўлмоқда. Бу ерда тер тўкаётган Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ш. Исамуҳамедов бошлиқ бригада аъзолари юбилейга бағишланган мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

Цех коллективи чўлқуварларга мўлжалланган вагон-ётоқхоналар тайёрлайди. Ушбу «кўчма уйлар» сувсиз ерларни ўзлаштираётган фидокорларнинг яшаш шароитини яхшилашда катта роль ўйнайди.

БУГУН

цех ишчилари йил бошидан бери тайёрлаган вагон-ётоқхоналар сони 300 донадан ошиб кетди. Коллектив йил охиригача 750 тадан зиёд ана шундай маҳсулот тайёрлашга аҳд қилган.

ЁРҚИН ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ



БУГУН ТОШКЕНТДА АНЪАНАВИЙ ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

Пушкин абадий яшайдиган ва ҳаракат қиладиган, ўлим топган нуқтасида тўхтаб қолмайдиган, балки жамият онгида ўсиб ривожланадиган ҳодисалар жумласидандир. Ҳар қайси давр улар тўғрисида ўз мулоҳазасини юритади ва уларни қанчалик тўғри тушунмасин, барибир ҳамиша ўзидан кейинги даврнинг бирон бир янги ва тўғрироқ гап айтиши учун ўрин қолдиради...

В. Г. БЕЛИНСКИЙ.

Бепоён мамлакатимизда, жонажон республикамизда анъанавий пушкинхонлик кунлари, мўъжизакор шеърият байрами бошланди. Биз рус поэзиясининг қуёши бўлган улуғ Пушкин ижоди саҳифаларига мурожаат этганда, ҳар гал унинг бетакрор лирикаси, умуминсоний туйғулар ва ғоялар билан йўғрилган ажойиб шеърияти олдида таъзим этамиз. Уни замондошлари «Бадиий сўз паҳлавони», «Жаҳоншумул даҳо соҳиби», «Улуғ халқнинг улуғ шоири» деб бежиз мадҳ этмаганлар. Шоирнинг «Евгений Онегин», «Мис чавандоз», «Лўлилар», «Борис Годунов», «Моцарт ва Сольери» ва бошқа асарларида инсонийлик, эрк ва умид ғоялари илгари сурилган.

Бугун анъанавий пушкинхонлик кунларида улуғ шоирнинг мўъжизакор шеърларн турфа халқлар тилларида жаранглямоқда. Шеърият байрами муносабати билан республикамиз шаҳар ва қишлоқларида, олий ўқув юртлари, меҳнат коллективларида хилма-хил тадбирлар бўлиб ўтади. Шеърият мухлислари шоирнинг асарлари қаҳрамонлари билан яна бир бор учрашадилар. Оташин шоирнинг улкан истеъдоди, шеъриятн оламига ташаккурлар ва таъзим изҳор этиш учун шоир номи билан боғлиқ жойларга ташриф буюрадилар, ҳайкали пойига гуллар қўядилар.

ПУШКИН

ҲАЙКАЛ

Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга,
Халқнинг келар йўлини майса-ўтлар қилмас банд;
У мағрур қад кўтарди бош эгмасдан таъзимга,
Александр қуббасидан ҳам баланд.
Йўқ, бутунлай ўлмайман,—қалбим яшар лирамда,
Тупроғим-ла чиримай, яшайди у то абад,
То бирон шоир-поир қолар экан оламда,
Мени сира тарк этмайди шон-шуҳрат.
Овозим-ла чулғанур поёни йўқ улуғ Русь,
Ундаги барча эллар мени ёдлайди ҳар дам.
Мағрур славян насли, бугунги авом тунгус,
Фин халқию, даштлар дўсти қалмоқ ҳам.
Узоқ замон халқ меҳрига бўлажакман мушарраф,
Чунки рубобим билан эзгу ҳислар туғдирдим.
Шу ёвуз замонамда куйладим эркин мақтаб,
Хор-зорларга ачинмоққа чақирдим.
Тангри ҳукмидан чиқма, эй илҳомим парисн,
Ранжида-хотир бўлма, тожу-тулчамбардан кеч,
Лоқайд қабул этабер мадҳу-тўхмат барисини,
Аҳмоқ билан эса ўчакишма ҳеч.

1836.

Газетанинг шу сонига интервью

ШОИРНИНГ БАРҲАЁТ СОЗИ

Республикамизда бошланган пушкинхонлик кунлари муносабати билан мухбиримиз Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, пушкинхонлик кунларини ўтказиш республика комитети раисининг ўринбосари шоир Туроб Тўла билан учрашиб унга бир неча савол билан мурожаат қилди:

— Туроб Тўрахўжаевич, пушкинхонлик кунлари кўп миллатли адабиётимиз байрами сифатида нишонланмоқда. Ана шу ёркин шеърият байрамининг аҳамияти ҳақида гапириб берсангиз.

— Бугун Александр Сергеевич Пушкиннинг таваллудига 185 йил тўлди. Мамлакатимизда ҳар йили шу куни халқимиз бу буюк шоирни эслайдилар, халқлар омонлигини, эркини куйлаган бу донишмандни эслаб, ўзларининг кўп миллатли тинч, эркин, озод мамлакатларини шарафлайдилар, улуғ шоир орзулари ўринлаган Русияни шарафлайдилар!

Овозим-ла чулғанур
поёни йўқ улуғ Русь,
Мени ёдлар ундаги
барча эл, барча одам.
Мағрур славян насли,
бугунги авом тунгус,
Фин халқию албатта
даштлар дўсти қалмоқ ҳам—

деб ўз шавкати ва шарафини башорат этган шоир дарҳақиқат бутун Русия бўйлаб, бутун қардош халқлар — республикалар бўйлаб, «улуғ рус халқи бирлаштирган» буюк давлатимиз бўйлаб кезиб юрипти!

Қуёшли Ўзбекистонимиз осмонида рус шеъриятининг қуёши кезиб юрибди бугун. Унинг беқиёс халқона, теран шеърияти халқларимиз руҳини тағин ҳам яқинлаштиради, дўст, қадрдон яшаётган халқларимизни тағин ҳам самимий бирлаштиради, дунёни тўс-тўполонга айлантириб турган империалистларга қарши ватанларини уруш фалокатларидан асрашга чақиради!

— Пушкиннинг аксари асарлари ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинган. Ана шу таржима жараёни ижодий таъсир ва сабоқлар билан ҳам бевосита боғлиқ. Шу ҳақдаги фикрларингизни билишни истардик.

— Александр Сергеевич бизнинг тилимизда гапира бошлаганда ўзбек китобхонлари унинг ҳамма асарларини таржима қилишни талаб қилди. Ноширларимиз бу қутлуғ талаб ва истакни амалга ошириш учун барча ёзувчиларимизни сафарбар қилдилар. Халқимизнинг севимли адиблари, шоирлари, драматурглари бунга ўзларини бағишладилар. Шоирнинг тўрт томли тўла асарлари нашр этилди. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Уйғун, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Усмон Носир, Иззат Султон, Зулфия, Миртемир, Оҳундий сингари биринчи авлод вакиллари, Темур Фатто, Зумрад, Мамарасул Бобоев, Мирмуҳсин, Маъруф Ҳаким, Аскад Мухтор, Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулом сингари кенг ижодий коллектив таржима ишларига катта илҳом билан киришди. Бу процесс наинки Пушкин асарларининг таржималарини тугаллади ва китобхонга юқори савиядаги таржималарни берди, у ўзбек шоирлари ва адибларига бетакрор мактаб ҳам бўлди. Бу буюк асарлар тажрибаси адабиётимизга таърин ҳам юксак савияли полотнолар берди, шеъриятимиз камолига қаттиқ таъсир кўргазди. Ҳамид Олимжоннинг, Усмон Носирнинг, Уйғуннинг, Зулфиянинг, Миртемирнинг ва бир неча адибларимиз ва шоирларимизнинг китобхон қалбидан ўчмас ўрин олган бугунги асарлари пайдо бўлдилар. Пушкин, Навоий, Бедил мактаби сингари, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек мактаби сингари мактаблар очди адабиётимизда, ҳамон муаллимлик қилмоқда у адабиётимизнинг давомчиларига ҳам.

— **Пушкинхонлик кунлари программасида қандай тадбирлар кўзда тутилган? Шеърият байрами қатнашчиларини, шоир мухлисларини қандай ажойиб учрашувлар кутмоқда?**

— Бугун пушкинхонлик мамлакатимизда! Навоийхонлик сингари, ҳамзахонлик сингари! Бугун республикамиз унинг шеърларини ёд ўқийди, унинг қўшиқларини куйлайди, унинг саҳна асарлари завқи, шавқи кошоналарни, хиёбонларни тўлдиради. Пойтахтимиз марказларидан бирида тикланган Пушкин ҳайкали теварагида йиғиламиз, уни ўраб ардоқлаймиз, шаҳар парклари, хиёбонларида уни алқаймиз. Пушкин, Горький, Тельман деб аталган паркларда шоирлар унга аталган шеърларини ўқийдилар, хонандалар унинг қўшиқларини куйлайдилар, нотиқлар унинг истиқболига чиқадилар!

Пушкинхонлик бир ҳафта давом этади. 11 июнь куни пойтахтимизнинг энг гўзал ва шинам «Баҳор» концерт залида ниҳояланади.

ЯНГИ РУБРИКА:

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ—РЕСПУБЛИКА ПОЙТАХТИГА

1. Дала неъматларини қабул эт, Тошкент!

Тошкент областининг қишлоқ меҳнатчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллиги шарафига юксак социалистик мажбуриятлар олишган. Колхозлар ва совхозларда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун қизғин кураш авж олиб кетди. Сабзавот ва мевалар ни оммавий равишда териш бошланди. Дала неъматларининг асосий қисми Тошкент савдо корхоналарига жўнатиляпти.

Деҳқонлар бу йил ўзига хос қийинчиликларга дуч келишди. Баҳорнинг кечикиши, об-ҳавонинг ноқулай келиши экинларни етиштиришни анча мураккаблаштирди. Худди шу сабабли сабзавотлар одатдагидан кечроқ пишиб етила бошлади. Хўжаликларнинг меҳнатчилари об-ҳаво инжиқликларига миришкорликни, шаҳарликларни маҳсулот билан таъминлашга бўлган қатъий ирода ва хоҳишни қарама-қарши қўйдилар. Ҳаракатлар зое кетмади. Ялпи конвейер кун сайин жадалроқ ишламоқда.

Калинин, Оржоникидзе ва Тошкент районлари хўжаликлари Ўзбекистон пойтахти савдо тармоқларига сабзавотларни оммавий равишда етказиб беришни бошлаб юборишди. «Ташплодоовошч» бирлашмасининг барча район улгуржи-чакана савдо идоралари дала неъматларини тайёрлаш ва реализация қилиш ишларини олиб боришяпти. Бу йилнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, қишлоқ меҳнатчилари Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетининг ташаббуси билан Ўзбекистон пойтахти саноат корхоналарини ўз оталиқларига олдилар. Бундан мақсад уларнинг коллективларини сархил сабзавот ва мевалар билан таъминлашдир.

Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози меҳнатчилари электрон-техника заводи ишчи ва хизматчиларига тўғридан тўғри даладан маҳсулот етказиб беришяпти. «Қорасув» совхозидан «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасига, «Қизил Ўзбекистон» колхозидан трактор заводига, ВЛКСМ 60 йиллиги номли совхозидан экскаватор заводига ана шундай бевосита маҳсулот етказиб бериш йўлга қўйиляпти.

Областнинг 33 колхоз ва совхози Тошкентдаги 54 та саноат корхонасини ўз оталигига олди. Бу — шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг мустаҳкамланиб бораётган дўстлигидан далолат эмасми?

Пойтахт области деҳқонлари юбилей йилида зўр ғайрат кўрсатиб ишлашяпти. Улар 435 минг тонна пахта, 175 минг тонна жўхори, 150 минг тонна картошка, 445 минг тонна сабзавот, 21 минг тонна полиз, 97 минг тонна сархил мева, 92 минг тонна узум етиштириш бўйича социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришга интилишяпти. Деҳқонларнинг бугунги зарбдор меҳнати улар ўз сўзларининг устидан чиқишга қаттиқ бел боғлаганликларини кўрсатади. Бу уларнинг Ўроқ ва Болға иттифоқига садоқатларини тасдиқлайди.

«Оқшом» бугунги сондан бошлаб фоторепортажлар туркумини эълон қилишни бошлайди. Уларда пойтахт области деҳқонларининг хайрли ишлари, тошкентликларни дала неъматлари билан таъминлаш бўйича мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ҳақида ҳикоя қилинади.



СУРАТЛАРДА: «Москва» колхози далаларида ҳосил йиғиштириб олиняпти.

Т. Каримов фотолари.

Шу кунларда Тошкент областининг Калинин районн меҳнаткашлари ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашяпти. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришга интилишяпти. Барча бригадалар ва звеноларда белгиланган режаларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олди.

«Москва» колхозида карам, кўк пиёз, саримсоқ пиёз, сабзи, ош лавлаги йиғиштириб олиняпти. Ҳар куни шаҳарликлар дастурхонига ўнлаб тонна қишлоқ хўжалик маҳсулоти жўнатиляпти. Бу йил сабзавотлар сифатига алоҳида эътибор бериляпти. Шу мақсадда дала неъматлари оби-тобида бевосита хўжаликлардан савдо корхоналарига етказиб берилиши учун барча ишлар қилиняпти.

Қудрат Маннопов бошчилигидаги 4-бригада ҳар соатдан унумли фойдаланишга интиляпти. Колхозчилар Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол иштирок этмоқда, — дейди трест бошқарувчиси С. Р. Раҳмонов. — Маъмурият, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бутун коллективни партиямизнинг кейинги Пленумлари қарорларини оғишмай амалга оширишга, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ошириш, ишлаб таннархини 0,5 процент қисқартириш учун сафарбар этиб, мавжуд куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

А. ВОТРИН.

ЧЎЛҚУВАРЛАР УЧУН

Тажриба-механика экскаватор ремонти заводи коллективи республикамизнинг муборак 60 йиллик юбилейи шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақада актив иштирок этиб, қувончли ютуқларни забт этиш йўлида жонкуярлик кўрсатмоқда. Корхонанинг 5-цехи коллективи эришаётган ютуқлар, айниқса салмоқли бўлмоқда. Бу ерда тер тўкаётган Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ш. Исамуҳамедов бошлиқ бригада аъзолари юбилейга бағишланган мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

Цех коллективи чўлқуварларга мўлжалланган вагон-ётоқхоналар тайёрлайди. Ушбу «кўчма уйлар» сувсиз ерларни ўзлаштираётган фидокорларнинг яшаш шароитини яхшилашда катта роль ўйнайди.

БУГУН

цех ишчилари йил бошидан бери тайёрлаган вагон-ётоқхоналар сони 300 донадан ошиб кетди. Коллектив йил охиригача 750 тадан зиёд ана шундай маҳсулот тайёрлашга аҳд қилган.



ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ ШАРАФЛИДИР

Н. МАННОПОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи слесари.

Ҳар гал сабзавот ва мевалар харид қилар эканман, уларни етиштирган ва пештахталарга етказиб берган кишиларга ҳурматим янада ошади. Деҳқон меҳнати енгил эмас. Дастурхонимизда бодринг, помидор, карам, картошка ва бошқа ноз-неъматлар бўлиши учун қанча куч, миришкорлик ва меҳнатсеварлик талаб этилмайди дейсиз. Бу йил ҳам ҳосил ўз-ўзидан пайдо бўлмаяпти.

Ўроқ ва Болға иттифоқига содиқ Тошкент ишчилар синфи қишлоқ меҳнатчилари билан дўстлигимиз мустаҳкамланиши ва ривожланиши учун барча ишларни қиляпти.

А. ЕФИМКОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, асбобсозлик заводи токари.

Шаҳар ва қишлоқ алоқалари «Ташплодоовошч» бирлашмасининг Чилонзор улгуржи-чакана савдо идораси магазинларига кун сайин 15 тоннагача кўкрам, пиёз жўнатишяпти. Сабзавотларни йиғиштириб олишда «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари хўжалик меҳнатчиларига ёрдам беришяпти.

А. ХАТАМОВ.





ПРАКТИКА БИЛАН ЖИПС АЛОҚАДА

4 июнь куни Тошкентда тугаган илмий-амалий конференцияда КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми талаблари асосида идеология ишини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Конференцияда Ўзбекистон пойтахтидаги партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари, корхоналарнинг раҳбарлари, марксизм-ленинизм шаҳар кечки университетининг тингловчилари қатнашдилар.

Идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги, халқ хўжалигининг туб вазифаларини ва энг асосий социал-сиёсий вазифаларни ҳал қилиш учун меҳнат коллективлари олиб бораётган кураш билан идеология ишининг алоқасини мустаҳкамлаш ҳақидаги докладлар ва ахборотлар тингланди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар В. А. Головин, Ў. У. Умаров нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети бўлимининг инспектори Ўртоқ Борис Михайлович Курдинни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкент шаҳар китоб савдоси бўлими улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин туғилган кунининг 185 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган Пушкинхонлик кунлари учун қатор тадбирлар бошлади. Шоир номи билан аталадиган майдонда китоб бозори ташкил этилди. Бундан ташқари «Ташсельмаш» заводида, 2-темир-бетон буюмлари комбинатида, «Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги» боғида ва жуда кўп муассасаларда бир ҳафта давомида китоб бозорлари ишлайди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 22 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво кам булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 15—20, кундузи 29—34 даража иссиқ бўлади.

КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари—амалда

ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНИГА—МУҲИМ ЭЪТИБОР

Партия турмуши

БИЗНИНГ БУТУН ИДЕОЛОГИК ИШИМИЗ СИСТЕМАСИ ЯХШИ СОЗЛАНГАН ОРКЕСТРДЕК ҲАРАКАТ ҚИЛИБ, БУНДА ҲАР БИР АСБОБ ЎЗ ОВОЗИГА ЭГА БЎЛИБ, ЎЗ ПАРТИЯСИНИ ИЖРО ЭТАДИ, УИҒУНЛИККА ЭСА МОҲИРОНА ДИРИЖЕРЛИК БИЛАН ЭРИШИЛАДИ.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

Сиёсий маориф шахобчаларида

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг унда қилган докладида баён этилган қонда ва хулосаларни амалга ошириш йўлида Тошкент саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари ҳамда муассасалар партия ташкилотлари изчил тадбирлар кўрмоқдалар. Партия ўқуви, иқтисодий таълим ва комсомол сиёсий таълими шахобчаларида ўқув йилини муваффақиятли якунлаш, якунловчи машғулотларни эса юксак савияда ўтказиш ана шу тадбирлардан бири ҳисобланади.

Қуйида икки йирик бирлашма партия комитетининг шу борада олиб бораётган ишлари ҳақида партия ташкилотларининг етакчилари сўзлаб беришади.

УЮШҚОҚЛИК ВА АКТИВЛИК АСОСИДА

Н. КРИВОШЕЕВА,
«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарининг ўринбосари.

— Партия, комсомол сиёсий маорифи ва оммавий-иқтисодий таълим системасида ўқув йилининг якунловчи босқичи ажойиб бир даврга тўғри келяпти: яқинда КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумига бир йил тўлади. Маълумки, бу Пленумда партия комитетлари шуғулланадиган масалалар нақадар муҳим бўлишидан қатъий назар, идеология иш тобора биринчи ўринга чиқаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Ўртоқ К. У. Черненконинг докладида идеология ишларини янада яхшилашнинг, унинг самарадорлигини оширишнинг конкрет программаси белгилаб берилди. Энг муҳим вазифалардан бири партия маорифи, оммавий-сиёсий таълим системасини ўзгартиришдан иборат эканлиги таъкидланди.

Бирлашмамиз партия комитети, партия маорифи кабинети июнь Пленуми қарорларини бажариш юзасидан муайян ишларни амалга оширди. Энг аввало машғулотларнинг ғоявий-назарий савиясини оширишга эътиборни қаратдик. Биз сиёсий ўқувнинг моҳияти ҳар бир киши ҳозирги кунда партиянинг сиёсатини янада чуқурроқ тушуниши, олган билимларини эса амалда қўллай билишларидан иборат деб қарадик.

Мана, ўқув йили якунловчи босқичга кирди. Бу босқичнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Аввалги йиллардан фарқли равишда бу йил якунловчи машғулотларга умумий мавзуларни эмас, балки конкрет мавзуларни тингловчилар муҳокамасига ташлаш июнь Пленуми талабларидан келиб чиққан тадбир ҳисобланади. Якунловчи машғулотларнинг мавзулари, докладчилар олдиндан белгиланди. Қўшимча адабиётлар ажратилди. Илмий коммунизм мактабларининг барча тингловчилари рефератлар ёзадилар.

Николай Мироненко, Борис Ким, Содиқ Жумаев, Нина Циганкова, Надежда Чемкаева сингари энг яхши пропагандистлар и м и з якунловчи машғулотларда КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ҳужжатларидан келиб чиқадиган янги вазифалар ва уни амалга ошириш йўлида ҳозиргача нималар қилингани ҳақида сўзлаб берадилар. Партия маорифи кабинети (мудири А. Е. Шамова) машғулотларни ўтказиш графиги, хоналар, машғулотни ўтказишга масъул бўлган партком аъзолари рўйхатини тузди. Ёш коммунистлар мактабларида, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини ўрганувчилар учун машғулотларни суҳбат тарзида ўтказиш белгиланган. Илмий коммунизм мактабларида эса илмий-амалий конференциялар ўтказиш кўзда тутилган.

Партия турмуши



КЎТАРИНКИЛИК БИЛАН

«Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг барча коллективлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини янги зафарлар билан кутиб олиш учун кўтаринки кайфиятда меҳнат қиляпти. Ана шу шонли сана шарафига юксак мажбурият қабул қилган пешқадамлар орасида 5-созлаш цехининг ишчиси Р. Ҳошимова ҳам бор. Илғор ишчи смена топшириқларини 20—30 процент ортиғи билан адо этибгина қолмай, ўз тажрибаларини ёшларга сидқидилдан ўргатяпти. Р. Ҳошимова республика юбилейига йиллик планни муддатидан илгари адо этиш мажбуриятини олган.

СУРАТДА: Р. Ҳошимова,

А. Жданов фотоси.

• *Маҳаллада нима гап?*

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

2521-автобазада механик бўлиб хизмат қиладиган Умар Турсуновни ишхонасидагина эмас, маҳалласида ҳам «кўли гул йигит» деб аташади. Бу гапда жон бор. Чунки Умаржон хизмат бурчинигина эмас, жамоат ишларини ҳам кўнгилдагидай қилиб уддалашга, ободончилик ишларига ҳисса қўшишга ҳаракат қилувчи йигитлардан.

Биринчи ва тўртинчи Қорасув массивлари ўртасидан оқиб ўтадиган Қорасув ариғи бўйидаги майдон яқин-яқингача кўримсиз, ташландиқ эди. Ҳозир бу ерга келган кишининг баҳри-дили очилади, бенхтиёр дилида тасанно айтади. Бу гўзалликни яратишда Умаржоннинг ҳиссаси ҳам бор.

Воқеа шундай бўлганди. Ташландиқ майдондан ўтганда кўплар қатори ҳар сафар Умаржоннинг дили ғаш бўлар, бу ерни обод, кўркам ҳолда кўргиси келар эди. Бир куни у кўнгилдаги истагини дўстлари—хизматчи Ёдгор Муҳиддинов ва Муҳаммаджон Ҳамроевларга айтди.

— Жуда яхши фикр,— деди Ёдгор, — бу ишни кечиктирмай бошлаб юбориш керак.

Сўнг ташаббусга Қорасув массивида яшовчи почта ходими Т. Расулов, қандолатчи А. Ғафуров ва бошқалар ҳам қўшилишди.

Ҳашарчилар бўш вақтини, кучини аямасдан, дам олиш кунлари ишга чиқдилар. Ариқ бўйида қурилиш материалларининг чиқиндилари, тошларни четга олиб чиқаётган йигитларни кўрганлар орасида ташаббусни қувватлаганлар ҳам, шунингдек бу ишга шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди. «Э, бу жуда оғир иш, барибир ташлаб кетишади», дейишди баъзилар. Бироқ Умаржон ва унинг дўстлари бўш келишмади. Бутун ғайратини, барча воситаларни ишга солишди. Тошлардан тозаланган майдончага соз тупроқ келтиришди, ариқ бўйига чим ётқизишди. Уларнинг ғайрати бошқаларга ҳам ғайрат берди. Ободончилик ишига дастлаб лоқайд қараган кишилар ҳам бирин-кетин ҳашарчиларга қўшилишди. Иш қизиб кетди. Кимдир бульдозер топиб келди, уста йигитлардан бири чархпалак ясади, бошқалари бўлса турли-туман дарахт кўчатлари ўтқазди, майдонча четига панжара ўрнатишди.

Ҳашарчилар чойхонани қуриб битказишди, турли шиорлар ва суратлар билан безадилар. Қорасув массивларида яшовчи меҳнат аҳли бу ерга йиғилишди. Шунингдек, ҳашар йўли билан барпо этилган боғ ва чойхонани очиш маросимида Куйбишев район ижроия комитети раҳбарлари иштирок этишди.

— Баракалла ўғлим,— деди кексалардан бири Умаржоннинг елкасига қоқиб. — Яхшидан боғ қолади.

Б. ШАРИПОВ.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. «Себзор» массивидаги янги турар жой бинолари.

М. Нуриддинов фотоси.

ПРОПАГАНДИСТЛАР МАҲОРАТИГА БОҒЛИҚ

Ш. АКБАРОВ,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

— Якунловчи машғулотларнинг ғоявий-назарий савияси, самараси кўп жиҳатдан пропагандистлар, консультантларга боғлиқ бўлади, албатта. Шунинг учун ҳам партия комитети уларни психологик ва педагогика билимлари, душман идеологиясига қарши пропаганда методикаси, ўқитиладиган фан назарияси билан қуроллантиришга биринчи галда аҳамият берди. Биз КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми ҳужжатларини батафсил ўрганишга асосий эътиборни қаратдик. Партия Марказий Комитетининг Пленуми қўйган янги вазифалар партия комитетидан, пропагандистлар д а н зўр ғайрат билан ишлашни талаб этади. Аввало, машғулотларнинг пропагандист лекцияси ва олдиндан топшириқ бериб қўйилган айрим тингловчиларнинг сўзга чиқишидангина иборат бўлиб қолмаслигига, ҳар бир машғулот тингловчиларнинг ғоят активлигида ўтишига, унинг ҳаёт билан, коллектив олдида турган вазифалар билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилишига интилдик.

Якунловчи машғулотлар олдидан биз пропагандистлар семинарини ўтказдик. Якунловчи машғулотларнинг бевосита ҳаёт билан янада узвий боғланиши учун партия комитети пропагандистларга корхонанинг барча техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида материаллар тайёрлаб берди.

Яна шуниси характерлики, ўқув якунларини чиқариш, айни пайтда янги ўқув йилига тайёргарлик билан ҳам боғлиқдир. Шунинг учун энг яхши пропагандистларим и з Назира Туробова, Людмила Сидорова, Ирина Шегай ва бошқалар тажрибаси асосида биз якунловчи машғулотлар охирида тингловчиларни янги ўқув йили проблематикаси билан таништиришни режаладик. Энг яхши пропагандистларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш тадбирлари кўрилмоқда. Ҳозирданоқ янги ўқув йили учун пропагандист ва тингловчилар составини кўриб чиқяпмиз.

Партия комитети, пропагандистларн и н г биринчи галдаги вазифаси июнь Пленуми қарорларини амалга оширишда ҳар бир кишининг ўз ўрнини аниқ тасаввур этиши ва уни тўла-тўкис амалга оширишга ўзининг бутун куч-ғайрати, билими ва тажрибасини ишга солишдан иборат.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ. «Себзор» массивидаги янги турар жой бинолари.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Шаҳар халқ контроли комитетида*

ВАЪДАНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

Шаҳар халқ контроли комитети мажлисида «Главташкентстрой» ташкилотлари уч йилдан ортиқ вақтдан бери соғлиқни сақлаш объектларида қурилиш-монтаж ишларини бажармаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Жумладан, 1981 йилда капитал маблағнинг 24,9 процента, 1983 йилда 65 процент, 1983 йилда 89 процента, шу йилнинг тўрт ойи мобайнида эса 75,2 процента ўзлаштирилди. Капитал маблағларнинг сурункали ўзлаштирилмаслиги қурилиш муддатларининг нормадагидан 3—4 баравар ошишига, баъзида эса соғлиқни сақлаш объектларининг фойдаланишга топширилиши чўзиб кетишига олиб келади. Жумладан, «Главташкентст р о й»нинг 8-қурилиш трестига қарашли 4-қурилиш_монтаж бошқармаси 6-туғруқхонани 1976 йилдан бери реконструкция қиляпти. Ишларни амалга ошириш норматив муддати 39 ой бўлгани ҳолда бу иш 81 ойдан бери амалга ошириляпти. 12-қурилиш трестининг 50-қурилиш бошқармаси 1_юқумли касалликлар шифохонасини реконструкция қиляпти. Норматив муддатдаги 36 ўрнига бу ерда 52 ойдан бери иш давом этмоқда. 12-трестнинг 65-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари Октябрь ва Акмал Икромов районларида 2 та туғруқхонани фойдаланишга топшириш муддатини чўзиб юборишди.

Қурилиш муддатини чўзиб юборганлиги ва 6-туғруқхонага қурилиш учун ажратилган маблағларни ўзлаштирмаганлиги учун «Главташкентст р о й»нинг 8-трести бош инженери Л. А. Абрамовичга вигонор эълон қилинди. Капитал маблағларни ўзлаштиришда етарли назорат йўқлиги ва объектлар қурилиш материаллари билан қониқарсиз таъминланганлиги учун 3-трест бошқарувчиси Р. Ғ. Қамбаровга ҳам вигонор эълон қилинди. Соғлиқни сақлаш объектлари қурилишидаги нуқсонлар ва ажратилган капитал маблағлар тўла ўзлаштирилмаганлиги учун 12_трест бошқарувчиси В. П. Очкасга вигонор эълон қилинди. Бир қатор трестларнинг бошқарувчиларига ва 2-уйсозлик комбинати бошлиғи ҳам жазоланди.

«Ташкентпиво» бирлашмасида ишлаб чиқарилаётган ичимликларнинг сифати масаласи халқ контроли комитети мажлисларида бир неча марта кўтарилган. Бироқ, бу ерда ҳамон маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси бузилаяпти. Натижада текширилган 2640 дал (1 дал 10 литрга тенг) спиртсиз ичимликдан 1990 дали стандартга мос келмаслиги; 2800 дал квас эса ГОСТ талабларига 100 процент жавоб бермаслиги; морснинг ҳам катта миқдори сотиш учун яроқсиз эканлиги аниқланди. Сифати пастлиги сабабли «Буратино», «Лимон», «Райҳон» ичимликлари ишлаб чиқаришдан олиб ташланди. 2-пиво заводида ишлаб чиқарилаётган пиво ва солод ҳам истеъмолчиларнинг норозилигига сабаб бўляпти.

Шаҳар халқ контроли комитети «Ташкентпиво» бирлашмаси бош директори Г. А. Гуржиевга ишлаб чиқаришдаги нуқсонларни ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати пастлигини кўрсатиб ўтди. Ассортимент бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш планларининг бажарилмаётганлиги, бош инженер хизмати етарли назорат қилинмаётганлиги ва унга нисбатан талабчанлик кўрсатилмаётганлиги учун 3_пиво заводи директори И. Ю. Абдураҳмоновга вигонор эълон қилинди. Унга пул жаримаси солинди. Шу завод бош инженери Х. Р. Ҳасанов каттиқ вигонор олди. 2-пиво заводи директори Т. К. Каримовга маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлари етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Шу корхона бош инженери Г. И. Ефремидига вигонор эълон қилинди. «Ташкентпиво» бирлашмаси бош директори Г. А. Гуржиевга халқ контроли материалларини меҳнат коллективларида муҳокама қилиш ва нуқсонларни бартараф этиш топширилди.

...Биз нуқсонларни тузатиш учун ваъдалар бераверамиз-ку, лекин аксарият бу ваъдаларни бажариш учун ҳеч нарса қилмаймиз. Шу ўринда КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленумида айтган сўзлари беихтиёр ёдга тушади: «Давлат плани учун жон куйдириш, ҳатто, истасангиз, ташвишланиш бизни бир дақиқа ҳам тарк этмаслиги керак. Келинглар, шунга келишиб олайлик: бу йил йўл қўйилган ҳар қандай ишкаллик учун, ҳар қандай нуқсонлар учун талабчанлик ҳар қачонгидан кўра қатъийроқ бўлиши лозим. Бизнинг партиявий позициямиз бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас».

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЁРЛИҚЛАР ТОПШИРИЛДИ

АДДИС-АБЕБА. Пойтахтдаги «Эфиопиянг Кор кэнд Кэн фэктори» корхонасида меҳнат зарбдорларига ёрлиқлар топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди. 1983—1984 йилларда юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришган энг яхши ишчилардан 20 кишига ана шу ёрлиқлар топширилди. Бу ишчилар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва меҳнатга онгли муносабатда бўлиш учун фабрикада авж олдириб юборилган ҳаракатда фаол қатнашмоқдалар.

Эфиопия меҳнаткашлар партияси ташкилотн комиссияси фабрика ячейкасининг активлари бу ҳаракатнинг ташаббускорларидир. Шу активлар олиб бораётган ғоявий-тарбиявий ишлар натижасида меҳнат унумдорлиги ошди. Интизом мустаҳкамланди.

ТАНГЛИК ОҚИБАТИ

САН - ФРАНЦИСКО. Электрон машина-ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган «Атари иккорпорейтед» компанияси маъмурияти ишчилардан катта бир группасини ишдан бўшатишини эълон қилди. Компания н и н г Саннивейлдаги (Калифорния штати) заводида хизматчилардан бир мингга яқин киши ишдан бўшатилган эди. «Сан-Франсиско киквэмминер» газетасининг ёзишича, маъмурият молиявий қийинчиликлар баҳонаси билан яна кўплаб кишиларни ишдан бўшатишни режалаштирмоқда.

Бу хабар Калифорния электрон саноати бошидан кечираётган танглиқни тасдиқловчи яна бир далилдир.

ДАСТЛАБКИ НЕФТЬ

ХОШИМИН. Вьетнам жанубида соҳилга яқин денгиз конида дастлабки нефть қазиб чиқарилди. ВСР жанубидаги саёз қирғоқда нефть ва газни геологик қидириб қазиб олувчи Совет—Вьетнам биргаликдаги корхонаси учун иш олиб бораётган совет «Михаил Мирчинк» қидирувчи кемасининг бурғиси қарийб уч минг метр чуқурликдаги нефтли қатламга бориб етди. Қидирув пармалаши билан айни бир вақтда шу конда доимий денгиз платформасини қуриш ишлари ҳам тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Дастлабки нефтли кон-қудуқ топилганлиги биргаликдаги «Вьетсовпетро» корхонаси интернационал коллективининг ажойиб муваффақиятидир. Бу корхона СССР ва ВСР ҳукуматлари ўртасидаги битимга мувофиқ бир неча йил муқаддам ташкил қилинган эди. Бу ерда Совет ва Вьетнам геологлари, монтажчилари ва бурғичилари ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар.

Совет ва Вьетнам нефтчиларининг муваффақияти социалистик Вьетнамда нефть қазиб чиқарувчи индустрияни ривожлантиришнинг янги истиқболларини очиб беради. Саёз соҳилда нефть ва газ конларини қидириш — Совет—Вьетнам иқтисодий ҳамкорлигининг энг муҳим соҳаларидан биридир. Бу ҳамкорлик ҳозирги вақтда республиканинг элликдан кўпроқ объектида амалга оширилмоқда.

РУМИНИЯДА ЭНГ КАТТА

БУХАРЕСТ. Руминия пойтахтидаги Бэнясе янги турар жой кварталида қуёш энергиясидан фойдаланиб, рўзғор эҳтиёжлари учун сув исситадиган мамлакатда энг йирик иситиш системаси муваффақиятли ишлаб турибди. Система сув иситиш қурилмаларининг умумий майдони 8.640 квадрат метрни ташкил қилади. Система 2.234 квартирани исситади ва иссиқ сув билан таъминлайди, йилига 650 тонна шартли ёқилғи тежаш имконини беради.

Миллий энергетика программасига мувофиқ, 1985 йил охирига борибо 50 минг та квартирани иситиш учун қуёш энергиясидан фойдаланиладиган бўлади, шартли ёқилғининг йиллик тежами 15,4 минг тоннани ташкил этади.



Халқ Кореясида Кэсон тўқимачилик фабрикасининг газламалари кенг шуҳрат қозонган. Ана шу газламалардан хотин-қизлар, эркаклар ва болалар кийимлари тикилади, бир қатор мамлакатларга, шу жумладан Совет Иттифоқига экспорт қилинади.

СУРАТДА: фабрика цехларидан бирида.

ЦТАК —ТАСС фотоси.

ЯПОНИЯ ГАЗЕТАСИНИНГ ХАБАРИ

ТОКИО. Японияда чиқадиган «Санкэй симбун» газетаси «ишончга сазовор доиралар»га асосланиб, «Хитойда олисга учириладиган баллистик ракеталарни учириш учун 10 тадан кўпроқ база ташкил қилинган ва қурилмоқда», деб ёзади. Ана шундай ракеталарни учирадиган базалар Хитойда фақат иккита жойда борлиги шу вақтгача хабар қилинган эди. Бу доиралар, деб давом этади газета, «Осиёда ядро қуроли проблемалари бундан буён Хитой эга бўлган ракеталари ҳисобга олмасдан муҳокама этилиши мумкин эмас, деб ўқтирмоқдалар.

• ХАЛҚАРО МАВЗУЛАРДА СУҲБАТ

ВАШИНГТОН РИЁКОРЛИК ВА ИККИЮЗЛАМАЧИЛИК ҚИЛМОҚДА

Нью-Йорк гавангига кираверишда унча катта бўлмаган оролчада кўкларга кўтариб мақталаётган «Америка демократияси»нинг рамзи — вақт ўтиши билан путурдан кетган озодлик ҳайкали қад кўтариб туради. Унинг супачасига қуйидаги баландпарвоз сўзлар ёзиб қўйилган: «Сенинг ҳорғин, қашоқ, эркин нафас олиш иштиёқида бўлган, лиммолим соҳилларинг улоқтириб ташлаган жабрдийдаларинг менинг олдимга келсин. Бўронларга учраган бошпанасизлар келсинлар. Мен уларни олтин дарвозалар олдида машъал кўтариб кутиб оламан». Қонун олдида ҳамма баробар, — АҚШ, ГФР, Англия, Франция, Швейцария, Голландия ва бошқа капиталистик давлатларнинг конституцияларида шундай ёки тахминан шундай сўзлар ёзиб қўйилган.

Бироқ реал ҳаётда бу инсон ҳуқуқлари қандай амалга оширилмоқда? Америкада чиқадиган «Пэрейд» журнали мана бундай деб ёзади: «...Бизнинг мамлакатимизда қулчилик расман 119 йил муқаддам тугатилган. Шундай бўлсада, бировларнинг фермаларидан фермаларига дайдиб юрган жуда кўп меҳнатчиларнинг турмуш шароити қулчилик вақтидагидан деярли фарқ қилмайди». «Нью-Йорк таймс» газетасининг таниқли шарҳчиси Жеймс Рестон эса бундай деб таъкидлайди: «...бу, эҳтимол, мамлакатимиз олдида турган энг чигал ва энг сиёсий проблема бўлса керак, чунки у миллионлаб кишиларнинг ҳаётнигина эмас, балки социал таъминот қиймати ва ишсизлик даражаси сингари социал проблемаларни ҳам ўз ичига олади».

АҚШ ва бошқа капиталистик давлатларда «демократия»ва «озодлик» сингари муқаддас сўзларни оғиздагина такрорлашни жуда ёқтирадилар. Масалан, президент Рейган «демократияни қўллаб-қувватлаш миллий фонди»ни таъсис этиш маросимида сўзлаб, бундай деб таъкидлади: «Бизнинг халқимиз ўз моларини жуда усталик билан сота олган янки савдогарларининг ворисларидир, биз демократия принципларини ҳам бошқаларга худди шундай ўтказишимиз керак».

Ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида шафқатсиз эксплуатация қилинаётган ва камситилаётган америкалик негрларга нисбатан қандай «демократия»ни тўғрисида гапириш мумкин? Улар аҳолининг 12 процентини ташкил этгани ҳолда, уларга сайлаб қўйиладиган лавозимларнинг атиги бир проценти тўғри келади. Ишсизлик қора танлилар орасида 20 процентдан ҳам ошади. Бу мамлакатдаги умумий даражадан икки баравар юқоридир. Қашшоқликда яшаётган барча америкаликларнинг учдан бир қисми — негрлардир.

АҚШнинг туб аҳолиси — ҳиндилар, эскимослар, алеутларга нисбатан очиқдан-очиқ қирғин сиёсати ўтказилмоқда. Колумб Американи кашф этилгунга қадар бу миллатлар 12 миллиондан кўпроқ кишини ташкил этган бўлса, ҳозир 1,4 миллионга етар-етмас қолган. Уларнинг кўпчилиги концентрация қамоқхоналаридан сира фарқ қилмайдиган резервацияларга қувиб чиқарилган. АҚШда гражданлик ҳуқуқлари учун мард курашчи Леонард Пелтиернинг қисмати бу жиҳатдан жуда характерлидир. Америка ҳиндиларининг ҳуқуқлари учун кураш ҳаракатининг бошлиқларидан бири бўлган ва оқ танли ирқчилар тўқиб чиқарган айбга мувофиқ умрбод қамоққа ҳукм қилинган Пелтиер 1976 йилдан буён турмада азоб чекмоқда. Ҳатто Америка матбуотн ҳам Пелтиер «маъмурлар фитнасининг қурбони» бўлганлигини эътироф этишга мажбур бўлмоқда.

Францияда чиқадиган «Юманите» газетасининг далолат беришича, қамоқхона маъмурлари очлик эълон қилган Л. Пелтиернинг иродасини букиш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилганлар. Шу мақсадда у бир кишилик камерага ташлаб қўйилган, унга ҳуддан кетказадиган дорилар берганлар, калтаклаганлар.

Қўшма Штатларда инсон ҳуқуқлари ва инсон қадр-қимматини қўпол оёқости қилишнинг барча чораларн ишга солинмоқда. Бироқ Рейган маъмуриятига бу ҳам камлик қилмоқда. Америкада чиқадиган «Спотлайт» ҳафталик газетасининг хабар қилишича, Оқ уй мутлақо махфий директива чиқариб, унда мамлакатнинг турли районларида ўнта жуда катта қамоқхона қуриш тўғрисида шошилинч кўрсатмалар берган. «Рекс—84» шартли номи остидаги бу полициячилик операциясининг мақсади яширин муҳожирлар, шунингдек таъқиб остида бўлган сиёсий мухолифлар ёки ҳуқуқ матни очиқдан-очиқ танқид қилаётганлиги учун маъмурият «хавфли» деб ҳисоблаётган кишиларни тутиб шу қамоқхоналарга жўнатишдан иборат.

АҚШда инсон ҳуқуқлари сўзда ва ишда ана шундай амалга оширилмоқда.

В. МАТЯШ.



● АҚШ. Луисвилл шаҳридаги (Кентукки штати) ҳайвонот боғида одатдан ташқари воқеа содир бўлди: байталдан зебра туғилди. Зебра уруғи унга кўчириб ўтказилганлиги натижасида шундай бўлди. Байтал уни бир йил давомида авайлаб юрди.

Чапдаги суратда байтал ва унинг фарзандига ҳайвонот боғи ходимлари ғамхўрлик кўрсатишмоқда.



● ГФР. Ҳар ким ўз истаганича саёҳат қилади. Оққушнинг икки ҳафталик полапони мана шундай усулни афзал кўрибди. (Ўнгдаги сурат).

АП—ДПА—ТАСС фотолари.

Оқшом суҳбатлари

САЙЁРАМИЗГА «УЧАР ТАРЕЛКАЛАР» КЕЛГАНМИ?

Ҳурматли редакция! Коинотнинг бошқа сайёраларидан бизнинг Еримизга жонли мавжудотлар келганми? «Учар тарелкалар» ҳақидаги «миш-миш»лар тарқалишига нималар сабаб бўлган?

Н. СОБИТОВ, Х. НУРМАТОВ,
«Ташсельмаш» заводи ишчилари.

Сўнгги бир неча йиллар давомида сайёрамизга номаълум учар объектлар (НУО), ёки бошқача айтганда «учар тарелкалар» тезлигида тарқалган «миш-миш»лар катта шов-шувга сабаб бўлди. Оқшомхонларнинг, бу шов-шувларнинг сабаби нима, деб берган саволлари ўринлидир.

Биринчи марта «учар тарелкалар» ҳақида америкалик бизнесмен Кеннет Арнольд ёзган эди. У ўз шахсий самолётида Вашингтон штатининг Кояли тоғлар районидан ўтаётиб, тоғ чўқилари устида 9 та ярқироқ объектни кузатган. Арнольд бу ҳақда хабар қилиб, ушбу ярқироқ дисклар («тарелкалар») Коинотдан планетамизга ташриф буюрган ақлли мавжудотларнинг космик кемалари бўлса керак, деган фикрни айтди.

Бу ҳодиса 1947 йилда бўлган эди. 1948 йилнинг 7 январида АҚШнинг Форт-Нокс шаҳарчаси яқинидаги АҚШ Ҳарбий Ҳаво Кучларининг базаси навбатчиси осмонда тепаси қизил шарсимон «мороженое»ни кўриб қолди. Ҳавога Томас Мантел командирлигида қирувчи самолётлар звеноси кўтарилди. Командир тушунарсиз «объект»нинг кетидан қувиб, етти минг метр баландликка кўтарилганда у билан алоқа узилди. Кўп ўтмай мазкур база яқинида парчаланган самолёт ва Мантелнинг жасади топилди.

Фожиали бу ҳодиса номаълум учар объектларга қизиқишни янада оширди. Ҳукумат НУОларни тадқиқ қилишни махфийлаштириб, улар ҳақидаги маълумотларни ўрганиш учун Ҳарбий Ҳаво Кучларининг махсус комиссиясини тузди. Комиссия ўн йилдан кўпроқ вақт давомида ишлаб, кўп ҳолларда ўрганиладиган масаланинг маҳфийлигига эътибор бермай қўйди. Ниҳоят, 1964 йилга келиб бу тадқиқотларга барҳам берилди. Шу вақт ичида АҚШ ҳукумати НУОларни ўрганиш учун Ҳарбий Ҳаво Кучларининг комиссиясидан ташқари яна иккита комиссия тузди. 50-йилларнинг охирида ишлаган Давлат комиссиясига таниқли астрофизик Дональд Мензель, 60-йилларнинг сўнгида ишлаган иккинчи комиссияга эса, Эдвард Кондон бошчилик қилди.

Д. Мензель ўн йилдан ортиқ вақт ичида НУО ҳақида ёзилган материалларни ўрганиб, «Учар тарелкалар ҳақида» деган китоб ёзди (бу асар таржимаси 1962 йили рус тилида нашр қилинган). Мазкур асар сўнгида олим: кузатилган ва ўрганилган НУОларнинг бирортаси ҳам космосдан келган ташқи цивилизацияларнинг вакили дейишга асос йўқ, деб хулоса қилади, кузатилган бу объектларнинг кўплари атмосферада кузатиладиган оптик ва астрономик ҳодисалар сароб, қутб ёғдуси, баланд булутларда Қуёш нурларининг аксланиши, кометалар, метеорлар каби табиий ҳодисалар ва объектлар эканлигини исбот қилди.

Иккинчи комиссиянинг раиси — Америка физика жамиятининг президенти Эдвард Кондон жуда катта ҳажмдаги НУОларга тегишли маълумотларни ўрганиб, бу объектларнинг 80—90 фоизи Ер ва унинг атмосферасида «туғилган» ҳодисалар ва объектлар эканлигини маълум қилди. Бу комиссиянинг фаолияти АҚШ ҳукуматига 500 минг долларга тушди.

Охирги марта «учар тарелкалар»нинг изидан тушган комиссия аъзолари — Техас штатининг бир группа энтузиаст физик ва инженер ходимлари бўлиб, улар Техасда НУОларни тутиш мақсадида 1975 йили катакгина замонавий обсерваторияни қуриб ишга туширдилар. Олимларнинг бу группаси бир йил ичида НУОларнинг бор ёки йўқлиги узил-кесил аниқланишини мақсад қилиб иш бошладилар, Уч йил давом этган тинимсиз «қоровуллик» оқибати натижасиз тугади. 1978 йили мазкур группа олимлари ҳам олдинги комиссиялар каби, НУОларнинг космик келиб чиқиши ҳақидаги барча қарашлар уйдирма гаплар эканлигини маълум қилдилар.

Совет Иттифоқида ҳам НУОлар ҳақида иккита конспект тарқатилиб, уларнинг бири астроном Ф. Ю. Зигель номидан, иккинчиси эса В. Г. Ажажа номидан ёзилган эди. Биринчи конспектнинг «автори» таниқли астроном, Москва авиация институтининг доценти Ф. Ю. Зигель тарқатилган «учар тарелкалар» ҳақидаги конспектда унинг ҳеч даҳли йўқлигини ва бундай беъмани конспектга авторликдан уни озод қилишларини сўраб, судга ариза топширди. Маълум бўлишича, мазкур конспектнинг ёзилишида Ф. Ю. Зигелнинг ҳақиқатан ҳам қўли йўқ эди, таниқли олимнинг номидан бу конспектни ёзиб, мамлакат бўйлаб тарқатиш кимнингдир қизиқишида бўлган.

Биринчи конспект материаллари н и н г ишончлилигини текширишга совет фантаст ёзувчиси, олим Ерёмей Парнов анчагина вақтини сарфлади. Хусусан, Нальчик устида 1976 йили 1,5 сутка «осилиб» турган (конспектда ёзилишича) «учар тарелка» ҳақида ёзувчи шаҳар бошлиқларидан телефон орқали сўраб билмоқчи бўлганида, улар бу ҳақда: «Биринчи сиздан эшитяпмиз, ҳарқалай иссиғингиз жойидами ўзи», дегандек ҳайрон бўлишди, кейин: «Сиздек кап-катта одам қандайдир афсонани ҳақиқат билиб, бизни ишдан қўйишингиз яхши эмас», —деб трубкани қўйиб қўйишди. Конспектда келтирилган, Москва областининг Кунцовка переездида поезд ўтаётганда тўсатдан осмонда пайдо бўлган номаълум учар объект ҳақидаги «факт» ҳам олим текширишларидан кейин афсона бўлиб чиқди. Конспектда келтирилган бошқа кўп «фактлар»нинг тақдири ҳам шу хилда тугайвергач, ёзувчи «Комсомольская правда»нинг 1976 йил 28 ноябрь сонида «Учар тарелкалар», космик келгиндилар ва бошқалар ҳақидаги афсоналарнинг технологияси» деган мақоласини эълон қилди, у бу мақолада конспектда келтирилган фактларнинг асоссизлигини ва уйдирмадан бери эмаслигини исботлади. Шунингдек, тарқатилган ҳар иккала конспектни ўрганган СССР Фанлар академиясининг бош астрономик (Пулково) обсерваториясининг собиқ директори В. А. Крат ва Штернберг номидаги Давлат астрономия институтининг директори Д. Я. Мартиновлар «Литературная газета» ва «Земля и Вселенная» журнали саҳифаларида бостирилган мақолаларида афсонавий номаълум «учар объект»ларнинг космик «келгиндилар» билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини. аксарият ҳолларда, булар атмосфера ҳодисалари, Ер сунъий йўлдошлари ва турли астрономик объектлардан бошқа нарса эмаслигини ёрқин мисолларда тушунтирдилар. Дарҳақиқат, чет эл махсус саргузашт журналлари саҳифаларидан ўрин олган ва мамлакатимизда тарқатилган конспектларда қайд қилинган номаълум «учар объект»ларнинг кузатилганлиги ҳақида бирор бир илмий далилнинг (фотосурати, унинг топилган қисмлари ёки ёзиб олинган товушларининг) йўқлиги булар ҳақидаги маълумотлар ғирт афсонадан бошқа нарса эмаслигини кўрсатди.

Қуёш системаси планеталарида (Ердан ташқари) ҳаёт ақлли мавжудотлар даражасигача ривожлана оладиган шарт-шароитлар йўқлиги фанга анчадан бери маълум. Унга энг яқин бошқа цивилизациялар қўшни юлдузларнинггина атрофида бўлиши мумкинлигини ҳам эътиборга олишимиз мумкин. Энг «қўшни» юлдуз ҳам бизга улкан масофада, яъни салкам 5 ёруглик йили (секундига 300 минг километр юрадиган ёруғлик 5 йил ичида ўтаоладиган йўл демак) масофада бўлишини яхши ҳис этган кишиларгина, «космик келгиндилар» чет эл махсус саргузашт журналлари саҳифаларидан ўрин олган ва турли астрономик объектлардан бошқа нарса эмаслигини ёрқин мисолларда тушунтирдилар. Дарҳақиқат, чет эл махсус саргузашт журналлари саҳифаларидан ўрин олган ва мамлакатимизда тарқатилган конспектларда қайд қилинган номаълум «учар объект»ларнинг кузатилганлиги ҳақида бирор бир илмий далилнинг (фотосурати, унинг топилган қисмлари ёки ёзиб олинган товушларининг) йўқлиги булар ҳақидаги маълумотлар ғирт афсонадан бошқа нарса эмаслигини кўрсатди.

Қуёш системаси планеталарида (Ердан ташқари) ҳаёт ақлли мавжудотлар даражасигача ривожлана оладиган шарт-шароитлар йўқлиги фанга анчадан бери маълум. Унга энг яқин бошқа цивилизациялар қўшни юлдузларнинггина атрофида бўлиши мумкинлигини ҳам эътиборга олишимиз мумкин. Энг «қўшни» юлдуз ҳам бизга улкан масофада, яъни салкам 5 ёруглик йили (секундига 300 минг километр юрадиган ёруғлик 5 йил ичида ўтаоладиган йўл демак) масофада бўлишини яхши ҳис этган кишиларгина, «космик келгиндилар» чет эл махсус саргузашт журналлари саҳифаларид

ЯНГИ КАФЕТЕРИЙГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!



АБДУЛЛАЕВ ва ЧЕРЕШНЕВА кўчалари муюлишида жойлашган

9-УНИВЕРСАМ ҚОШИДА ЯНГИ КАФЕТЕРИЙ ОЧИЛДИ

Бу ерда кофе, шарбат, минерал сувн ичиш, мороженое ейиш ва тамадди қилиб олиш мумкин.

Кафетерий соат 8 дан 21.00 гача ишлайди (танаффус соат 13 дан 14.00 гача).

ФРУНЗЕ РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон 53-51-14).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ЁЗДА ҲАМ—ТРИКОТАЖ

Трикотаждан тикилган либослар енгил, ғоятда қулай бўлади. Ҳатто уни болалар ҳам севиб қолишган. Трикотаж кийим-кечаклари кишига ҳамиша ярашиб туради, яхши ювилади, ўйин пайтида болаларни сиқиб қўймайди.

Костюмлар, кўйлаклар, плавкилар ва чўмилиш кийимлари болаларнинг ёзги гардеробида энг муносиб кийимлар ҳисобланади.

БУХОРО ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИ ФАБРИКАСИНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:


синтетик калавадан тўқилган болалар костюми жемпер ва шимдан иборат бўлиб, у ўзига хос расмлар билан безакланган.

Бу либосларнинг жозибали қизил, мовий, яшил ранги саратон фаслининг табиат бойликлари жилоси билан ҳамоҳанг бўлиб кетади.

Баҳоси — 13 сўм 50 тийин.

Яна бир янги маҳсулот. Болалар комбинезони сизга албатта манзур бўлади. Бу либос ҳам қулайлиги, рангининг гўзаллиги ва безаклари билан ажралиб туради.

Баҳоси — 12 сўм.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ (телефон 44-54-21).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» МАХСУС ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **ёритиш бўйича электр монтажчи, ёритиш тармоқлари бўйича электр монтажчи, кучланиш тармоқлари ва электр қурилмалари бўйича электр монтажчи, электрослесарь, электр-газ пайвандловчи, коммутация никкиламчи тармоқлари бўйича электр монтажчи, лифтларни монтаж қилиш бўйича слесарь-монтажчи,** (Ватанимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган), **контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик** (фильмларни текшириш ишини бажара оладиган), **радиотелевизион аппаратларга хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик.**

Ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 14,5 ЁШДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга 8 синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўла ўрта маълумот ҳамда ихтисоси тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ўқувчилар ойига 30 сўмдан 76 сўмгача миқдорда стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида электромонтажчилар, электр-газ пайвандловчилар группаларининг ўқувчилари иш ҳақининг 50 процентини оладилар ва уларга ётоқхона берилади, бошқа группаларнинг ўқувчилари иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган ва электр монтажчи мутахассисликлари бўйича ўқишга кирган йигитлар учун ўқиш муддати бир мунча қисқартирилган: 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 10,5 ойгача.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юрти битирувчилари техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар корхоналарда мажбурий иш муддатини ўтамаган ҳолда ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юбориладилар.

Билим юрти яхши спорт базасига эга, 14 спорт секцияси ишлаб турибди. Техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина справкаси; турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см.),

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), **ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома** (ҳарбий билет) **шахсан кўрсатилади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 40, 45, 58, 70, 79-автобусларнинг 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

155-ШАҲАР ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ЎРТА-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, ЭЛЕКТР ҚЎПРИКЛИ КРАН МАШИНИСТИ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ. Ўқишга 17,5 ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 6 ой. Ҳар ойда 72 сўмдан стипендия берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

УЗОҚ МАНЗИЛЛАРГА ҚАТНАЙДИГАН ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИГИ. 17,5 ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати—10 ой. Ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ВА РЕФРИЖЕРАТОРЛИ ПОЕЗДЛАРНИНГ МЕХАНИГИ. 17 ва ундан катта ёшда бўлган ўрта маълумотли йигитлар қабул қилинади. Ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар эса ҳар ойда 72 сўмдан стипендия оладилар. Ўқиш муддати — 1,5 йил.

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ЁРДАМЧИСИ, ТЕПЛОВОЗНИНГ МЕХАНИК ҚИСМИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, СОВУТИШ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ. 15 ва ундан катта ёшда бўлган камида 8-синф ҳажмида маълумотли йигитлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йил. Ўқувчилар кунига уч маҳал овқат, кийим-бош ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақларининг 50 процентн билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртида моҳир тренерлар раҳбарлигида спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартларда қабул қилинадилар.

Билим юртини тугатганларнинг ҳаммаси темир йўл ишчилари учун бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар, жумладан Совет Иттифоқининг хоҳлаган пунктига бепул темир йўл билети билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржиман ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, характеристика, 8 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Червяков кўчаси, 12-уй, (1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати).

ЁЗ ФАСЛИНИНГ МАФТУНКОР ГЎЗАЛЛИГИ!



Агарда сиз денгизда, қишлоқда ёки марказда бўлсангиз ёз фасли ўзининг серқирра гўзаллигини намоён қилади. Бундай пайтда сизнинг асосий ва севимли ёрдамчингиз фотоаппаратдир.

У сизнинг ҳаётингизда акс эттириб қолиш лозим бўлган ҳар қандай манзара ёки дақиқани эътибордан четда қолдирмайди. Отпускадан қайтишингиз билан сиз севиб сайр этган ва зиёрат қилган қадамжолар ҳақида фотоплёнкалар яна бир бор ҳикоя қилиб беради, келгусида қандай саёҳатларга бориш лозимлигини уқдиради.

САФАРГА БОРАЁТГАНИНГИЗДА «ЗЕНИТ-ТТЛ» ҚИЧИК ФОРМАТЛИ КЎЗГУЛИ ФОТОАППАРАТИНИ БИРГА ОЛА КЕТИНГ!

Унга ўрнатилган экспонометр ва сакровчи диафрагма экспозицияни ғоят аниқ даражада қайта ишлаш имконини беради, айниқса бу мослама рангли плёнкалар билан ишлаш чоғида жуда қўл келади. Фотоаппаратнинг фазилатларидан яна бири плёнкани осон зарядкалаш, қулай перемотка, ёритгич лампа билан ишлаш учун синхронизатор, автоспуск ўрнатилганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Агарда сиз бу фотоаппаратга алмаштириладиган объектлар ҳамда узайтириладиган ҳалқа сотиб оладиган бўлсангиз сизнинг бу фотоаппарат билан ишлашдаги ижодий имкониятларингиз янада ошган бўлади.

«ЗЕНИТ—ТТЛ» фотоаппаратининг баҳоси — 180 сўм.

«РАССВЕТ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ЁНҒИН МУҲОФАЗАСИ БОШҚАРМАСИ ВА

ШАҲАР КЎНГИЛЛИ ЁНҒИН МУҲОФАЗАСИ ЖАМИЯТИ

КАРИКАТУРАЛАР КОНКУРСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бу конкурсни ўтказишдан мақсад корхоналар, халқ хўжалиги объектлари, уй-жой бинолари, мактаблар ва бошқа муассасаларда ёнғин муҳофазасини ташкил этишдаги камчиликларни танқид қилишдир.

Конкурсда карикатурачи маҳоратли рассомлари, шунингдек ҳаваскор рассомлар қатнашишлари мумкин. Ишларнинг миқдори чекланмайди. Конкурсга тақдим этилган ҳар бир карикатура остига девиз ёзилиши, конвертга солингандан кейин устига яна ўша девиз номи ёзилиши ва қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: муаллифнинг исми, фамилияси, иш ва турар жойи, телефонлар номери.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг Ёнғин муҳофазаси бошқармаси ана шу юборилган карикатура расмлари асосида кўргазма ташкил қилади. Конкурс карикатуралари муаллифларга қайтарилмайди.

ЭНГ ЯХШИ КАРИКАТУРАЛАР МУКОФОТЛАР БИЛАН ТАҚДИРЛАНАДИ:

биринчи мукофот — 100 сўм;
иккита иккинчи мукофот — 75 сўмдан;
учта учинчи мукофот — 60 сўмдан.

Шунингдек жюри ҳар бири 30 сўмдан бўлган бешта рағбатлантириш мукофотини таъсис этади.

Конкурс карикатуралари 1 сентябрдан кечикмаган ҳолда қуйидаги адресга юборилиши лозим: 700017, Тошкент шаҳри, Ленин проспекти, 17-уй, Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг Ёнғин муҳофазаси бошқармаси. Маълумотлар учун телефон 44-12-62.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ

247-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: КОНДИТЕРЛИК, НОНВОЙ—ТАНДИР НОНИ ВА БУЛОЧКА ПИШИРУВЧИ, ЛАБОРАНТ-ХИМИК, АВТОМАТИКА ВА КОНТРОЛЬ-ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ-СЛЕСАРЬ (нон ва пиво заводлари учун), ХОЛОДИЛЬНИКЛАР РЕМОНТИ БЎЙИЧА СОЗЛОВЧИ-МЕХАНИК, ҚУРИЛИШ БЎЁҚЧИСИ, АВТОСЛЕСАРЬ.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 15 ва ундан катта ёшли йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот ҳамда касб тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

10-синф ҳажмида маълумотлилар 1 йил ўқийдилар ва ойига 30 сўм стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар. Билим юртини битирганлар танлаган мутахассисликлари бўйича Тошкент нон корхоналарида, кондитерлик-булочка комбинатида, «Ўртоқ» конфет фабрикасида ва Тошкент пиво корхоналарида ишлайдилар.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, «Такт» ансамбли ишлайди ва ҳар хил спорт тўгараклари мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, характеристика, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, медицина ва турар жойидан справкалар, 6 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй, (68, 133, 106, 121, 127, 45, 81, 15, 23-автобуслар, 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекати). Телефон 90-36-69.

ТВ

сешанба

5 ИЮНЬ

ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

● МТ I

18.25 Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига. «Инсон ва табиат». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Иккинчи фронт: бор ҳақиқат».
20.20 «Касби — терговчи». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 СССР халқ артисти Н. Бессмертнованинг ижодий кечаси.
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.35 —20.30 Леонид Мартинов — «Ер ташвиши». Телефильм.
20.50 «Мактаб ислоҳоти». СССР ПФА президенти М. И. Кондаков сўзи.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳаво варраги учирилган пайт». Телевизион бадиий фильм премьераси (Югославия).
23.10 «Давр, макон, одим». Илмий-оммабоп фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Пионерлар мамлакатида».
18.40 «ЎзССР олий ва ўрта махсус ўқув юртлари — халқ хўжалигига» (рус.).
19.00 Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига. «Инсон ва табиат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Пушкинхонлик. «Пушкин биз билан».
20.15 «Кимнинг тушига тулпор киради...» Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бригада пудрати — ишимиз қудрати».
22.25 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10-серия.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 —19.20 «Менинг сахий дадажоним». Телевизион бадиий фильм (рус.).
19.50 «Чинор япроқлари» Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II.

чоршанба

6 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Буратино кўргазмаси».
10.10 РСФСР духовой оркестрининг концерти.
10.40 «Касби — терговчи». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.45 «Саёҳатчилар клуби».
12.45 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Тикланиш». Телефильм премьераси.
15.50 Болалар учун. «Буюк жасорат». 1-серия.
17.00 «Спорт ҳафталиги».
17.30 «Муҳбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.00 Концерт залида — мактаб ўқувчилари.
18.45 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Пушкин уйида». Телефильм премьераси.
20.20 «Касби — терговчи». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР кубоги. Ярим финал. «Зенит» (Ленинград) — «Факел» (Воронеж).
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Қишлоқ ҳўжалиги». Киножурнал.
9.35 «Ҳаво варраги учирилган пайтда». Телевизион бадиий фильм.
10.40 «Моҳир қўллар».
11.10 «Сенинг ленинчи кутубхонанг.» В. И. Ленин уруш, армия ва тинчлик ҳақида.
11.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
12.30 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал.
12.40 «Каниқулдаги саргузашт». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР). 3-серия.
14.00 — 14.30 «Онамларнинг мактаби».
15.00 «Усимликлар олами»
15.45 «Мардлик қонунига биноан». Совет Иттифоқи Қаҳрамони Л. Е. Маневич ҳақида телеочерк.
16.10 Янгиликлар.
18,30 Янгиликлар.
18.45 «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Фронт». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 Арно Бабажаняннинг фортепьяно ижроси учун 6 та пьесаси.
19.30 «Олтин қумлар» авторалли си. Болгариядан олиб кўрсатилади.
20.00 — 20.30 «Биз қўшиқларда қоламиз». Концерт.
20.45 «Дўстларимиз чеҳраси».
21.30 «Время».
22.00 «Сергеев Сергеевни изламоқда». Телевизион бадиий фильм.
23.05 СССРда II Халқаро музика фестивалининг концерти.

● Уз ТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Кўғирчоқ фильм.
10.55 «Циркни севмай бўладими?» Фильм-концерт.
11.40 «Степановнинг хотира дафтари». Бадиий фильм.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.

meamp

НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ ТЕАТРИДА — 5/VI да **Ле ли кунлар**, 6/VI да **Ин достони**, 7/VI да **Мастер**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ ТЕАТРИДА — 6/VI да 7/VI да **Отелло**.

кино

5 ИЮНДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ТИРИКЛАЙИН ОЛИШ БУЮРИЛГАН» **Чайка** (жуфт соатларда, фон 77-06-20, **Ватан** соатларда), **Қозогистон** ва тоқ соатларда, 35-24-92), **ВЛКСМ 30** (жуфт соатларда, 44-52).

«ХАТОЛАРДАН ИБРАТ УТМИШ» — **Дружба** тоқ соатларда, 75).

«САЛАМАНДРА» — (тоқ соатларда, 70-69), **Тинчлик** (жуфт ларда, телефон 58-36-0

«СЕМЕН ДЕЖНЕВ» **Искра** (жуфт соатларда, фон 39-14-59), **Ҳам** телефон 32-78-02).

«ВАҲИМА ҚИЛМАНГ, ИОР КАРДОШ» — **Советининг 50 йиллиги** (жуфт соатларда, 78-47-25), **Москва** (тоқ ларда, телефон **Восток** (жуфт соатларда, фон 91-14-61).

«АЙБДОР ДЕБ ТОПСИН» — **Лисунов** тоқ соатларда, телефон 96-34-0

6 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ТИРИКЛАЙИН ОЛИШ БУЮРИЛГАН» **Чайка** (жуфт соатларда, фон 77-06-20, **Ватан** соатларда), **Қозогистон** ва тоқ соатларда, 35-24-92), **ВЛКСМ 30** (жуфт соатларда, 44-52).

«ХАТОЛАРДАН ИБРАТ УТМИШ» — **Дружба** тоқ соатларда, 75).

«САЛАМАНДРА» — (тоқ соатларда, 70-69), **Тинчлик** (жуфт ларда, телефон 58-36-0

«СЕМЕН ДЕЖНЕВ» **Искра** (жуфт соатларда, фон 39-14-59), **Ҳам** телефон 32-78-02).

18.15 Мультфильм.
18.35 Мактаб ўқувчилари «Бирга бўлсак ҳам (рус.).
19.10 КПСС Марказий Қ июнь (1983 й.) Пленум рорлари — ҳайтга абразив комбинат тивининг халқ ҳў план ва социалис буриятларининг бе шини идеологик (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Халқ контроли эк
20.15 «Бугун -оламда ки Халқаро аҳвол ҳақи
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёшлар куйлаганда церт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Гўза парвариши сифат».
22.15 «Оловли йўллар». К рияли телевизион фильм. 11-серия.
23.20 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 — 16.15 МТ II
18.10 —18.15 Кўрсатувлар маси.
18.45 «Северний» Телефильм.
19.15 «Ким бўлсам ҳам
19.40 «Онагинам Тинч лефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 ЎзССР ва Ўзбекистон партияси ташкил то гининг 60 йиллигига кент шаҳар Ҳамза (рус.).
20.50 «Шахсий масалар» фильм.
21.30 МТ II

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг

9-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА

КРАЗ-256, МАЗ-5 КАМАЗ маркали автомо наларда ишлаш учун категориясн бор бўлган 1, 3-классли шоферлар (меҳ ҳақи—ишбай), слесарь-регатчилар, автомашина ремонти бўйича слесарь двигателларни синовчи 4, 5-разрядли бўлган меҳнат ва иш ҳақи бўйи катта инженери, ўқиш мудири

КЕРАК

Елғиз кишилар ёки **болалар** билан, онлайлар **квартира** билан та минланадилар.

Автотранспорт корхо **болалар богчаси-ясли**

Мурожаат учун адр Тошкент области, Нарим шаҳри, Лихачев кўчаси, (106, 133, 121-автобу нинг «9-автобаза» бекати

Тошкент Давлат университети ректорати, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети университет катта инженери Қобилжон ИБРОҲИМОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 33-90-50. шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

5 ИЮНЬ, 1984 й. Р—12303. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11